

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 24-noyabr, payshanba

№ 45 (9209) -son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi



ТОЖИКИСТОНЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ЮРТИМИЗГА ИЖОДИЙ САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Тожикистон Журналистлар иттифоқи делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Меҳмонлар бу ерда Амир Темури ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ҳамда маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини акс эттирган ноёб экспонатлар археологик топилма, ноёб кўлэзма ва тошбосма, нумизматика, меъморий қоплама, тош, шиша, сопол, металл, чинни, қурол-аслаҳа, каштадўзлик, заргарлик буюмлари, либос, ёғоч, геральдика, картиналар, миниатюра каби коллекциялар билан яқиндан танишди.

Делегация раҳбари, Тожикистон журналистлар уюшмаси раиси Зинатуллоҳ Исмоилзода музей дастхатлар китобига ўз тилакларини ёзиб қолдирди. Учрашув сўнггида музей раҳбарияти томонидан меҳмонларга "Темурийлар тарихи давлат музейи дурдоналари" каталоги совға қилинди.

Тожикистонлик меҳмонларнинг навбатдаги манзили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бўлди. Юқори палатада Сенатнинг тегишли қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Боқиев, сенат аъзоси М. Ҳожиматов иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига расмий ташрифи (2021 йил 10-11 июнь) доирасида эришилган келишувлар, соҳага оид қонунчилик такомиллаштириш борасидаги ҳақиқат сўз борди.

Тожикистон Республикаси телерадиоканаллари раҳбарлари, марказий нашрлар бош муҳаррирлари, Ахборот хизматлари вакиллари билан иборат делегация аъзолари Сенатда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди.

– Жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тожикистон Журналистлари иттифоқи ўртасида "Ҳамкорлик Меморандуми" имзоланган эди, – дейди Тожикистон журналистлар уюшмаси раиси З. Исмоилзода. – Ушбу келишувга кўра, шу йил 12-16 октябрь кунлари бир гуруҳ ўзбекистонлик ОАВ – телевидение, радио, босма ва интернет нашрлари ходимларидан иборат ижодкорлар Тожикистонда ижодий сафарда бўлиб қайтишганди. Бугун эса биз Ўзбекистонга келдик. Мақсадимиз – икки мамлакат журналистларининг ўзаро тажриба алмашиши таъминланиши, дўстлик ришталари янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшиш.

Тожикистонлик журналистларнинг юртимизга ижодий сафари давом этмоқда. Ташриф доирасида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида, Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари ва оммавий ахборот воситалари тахририятларида бўлиб, ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиши кўзда тутилган.

ЎЗА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

МАҲСУЛОТНИНГ 90 ФОИЗИ ЭКСПОРТГА

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТОМОНИДАН ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН НАВБАТДАГИ ПРЕСС-ТУР АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЖИНСИ МАТОДАН 250 ТУРДАГИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ "BOBUR XBK" КОРХОНАСИГА БЎЛДИ.



Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 7 ноябрь куни маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида тўқимачилик соҳасида маҳаллийлаштиришни кучайтириш ва экспортни ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар,

ишлаб чиқарувчиларга эса имтиёзлар берилди. Ўзсаноатқурилишбанк томонидан хизмат кўрсатилаётган саноат корхоналари орасида маҳаллийлаштиришга оид қатор лойиҳаларнинг фаол тарзда молиялаштирилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Андижон шаҳрида "Bobur XBK" масъулияти

чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонаси шулардан бири. Умумий қиймати 38,8 млн. АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа учун узоқ вақт ишлагандан, ташландиқ ҳолга келиб қолган бино "ноль" қийматда берилган эди.

(Давоми 2-саҳифада)

Пресс-тур

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ПАХТАЧИЛИКДАН

ҚАРИЙБ 445 МИЛЛИАРД СЎМ СОФ ДАРОМАД ОЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА

Яқунланаётган йил наманганликлар учун ҳам баракали, ютуқларга бой бўлди. Барча соҳаларда салмоқли ўсиш ва юксак натижаларга эришилди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги йўналишида қўйилган дадил қадамлар эътирофга муносибдир. Деҳқончиликнинг чилги ҳосили – пилладан салмоқли хирмон кўтарилди. Ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавот, иссиқхона, полизчилик, чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик, аҳоли томорқаларидан ҳам ҳар йилгидан-да салмоқли даромад олинди. Экспорт ҳажми ортди. Ўтган ҳафтада вилоятда пахта тайёрлаш режаси ҳам ортиғи билан удаланди. Эришилган ютуқлар ҳақида вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азизбек АДУСАЛОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

(Давоми 2-саҳифада)



ШОЛИЧИЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕКISTОНДАГИ КОРИА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА БЕҒАРАЗ КЎМАК БЕРИЛДИ. Яъни, ИНСТИТУТГА БИР ДОНА ДОНЛИ ЭКИНЛАР УРУҒЛАРИНИ ЭКИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УРУҒ ЭКИШ СЕЯЛКАСИ ВА БИР ДОНА ШОЛИ УРУҒЛИКЛАРИНИ САҚЛОВЧИ ОМБОРЛАРДАГИ ҲАШАРОТ ВА ЗАРАРКУНДАЛАРГА ҚАРШИ ИШЛОВ БЕРИШДА ФОЙДАЛАНУВЧИ ИНСЕКЦИД-ПЕСТИЦИДЛАР СЕПИШГА МОСЛАНГАН АППАРАТ СОВҒА ҚИЛИНДИ. ШУ ЙИЛНИНГ 21 НОЯБРЬ КУНИ ШОЛИЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР УРУҒЛАРИНИ ЭКИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН УРУҒ ЭКИШ СЕЯЛКАСИНИ ТОПШИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР ВА УНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛЕНИШ БЎЙИЧА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.



МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛАЯПТИ?

ҲАЛИ ҲАНУЗ ИШ БЕРУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ ҚОЛАТЛАРИ КАМАЙГАНИ ЙЎҚ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР АЙНАН ШУ САБАБ БИЛАН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАЁТГАН БЎЛСА-ДА, НЕГАДИР МУАММО БАРҲАМ ТОПМАЯПТИ. ХЎШ, ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛЕНИШ БОРАСИДА ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАР БОРМИ?



Ўзбекистон Республикаси "Меҳнат кодекси" 77-моддасига кўра, ишга қабул қилиш 16 ёшдан йўл қўйилади. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлирининг ўқувчилари соғлиғига ҳамда маънавий, ахлоқий камол топишига зиён етказмайди, таълим олиш жараёнини бузмайди, энгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши мумкин. Аммо бунинг тартиб-тамоийли бор. Яъни ўқувчи 15 ёшга тўлгач ота-онасидан бири ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Албатта, бунда вояга етмаган шахслар учун иш ҳажми ва вақти чегараланган. Айтайлик, 15 ёшдан то 16 ёшгача меҳнат қилаётган ходимлар ҳафтасига 24, 16 ёшдан 18 ёшгача ҳафтасига 36 соат ишлаш мумкин, 18 ёшдан бошлаб ҳафтасига 40 соат ишлайди. Вояга етмаган шахс кундалик иш вақти қисқартирилган режимда ишлашдан қатъий назар, унинг меҳнатига кундалик иш вақти тўлиқ бўлган миқдорда ҳақ тўланади.

(Давоми 2-саҳифада)

ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, "ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"НИНГ КЎП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмоқдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қулоғингизга чалиниб тургандир? Бундай хулосалар аллақачон бугун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини топиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматинингизга беминнат киришувчи нашрингизни маҳкам кучиб, қўллайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланман! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-маърифий дастёрингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ" Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАХРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тахририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.



Ўтган 5 йил давомида вилоятда пахта ҳосилдорлиги 10,4 центнерга ошди

ЖУРНАЛИСТЛАР СУВ ҲЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда Куйи Зарафшон ИТХБ ҳамкорлигида Мелиоратив экспедиция бошқармасининг туپроқ намуналарини ўрганиш жараёни бўйича вилоятда олиб борилаётган ишлар билан журналистларни таништириш мақсадида Навбахор туманига пресс-тур ташкил этилди.

Унда Куйи Зарафшон ИТХБ ходимлари, Мелиоратив экспедиция бошқармасининг мастъуллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Дастлаб пресс-тур иштирокчилари Навбахор туманидаги "Бекзоджон нури истиқболи" фермер ҳўжалигининг ер майдонларига бориб, Мелиоратив экспедиция бошқармаси мутахассисларининг туپроқ намуналарини олиш жараёни билан танишдилар. Соҳа мутахассислари ернинг шўрланиш даражасини аниқлаш мақсадида экин ер майдонидан туپроқ намунасини олиш, жумладан, дала кондуктометри ёрдамида шу ернинг ўзиде туپроқ шўрланишини аниқлаш ҳолати бўйича ОАВ вакиллари маълумот берди.

Вилоятдаги экин ер майдонларида 2022-2023 йилда 13 минг гектардан ортиқ майдонда шўр ювиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилнинг 20 ноябрдан шўр ювишга ерларни тайёрлаш ишлари бошланиб, бу жараён 20 декабрга қадар давом этади ва келгуси йилнинг март ойига қадар шўр ювиш ишлари олиб борилади.

Соҳа ходимларининг маълум қилишича, вилоятда 14 минг гектар майдондан 6 минг донна туپроқ олинган бўлиб, ГПС қурилмаси ёрдамида туپроқ олинган нуқталар координатлари аниқланади. ГПС орқали аниқланган нуқталар АРГС дастурига туширилади ҳамда туپроқнинг шўрланиш харитаси тузилади.

Пресс-тур қатнашчилари Куйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли "Қасаба" насос станциясига ҳам бориб, станция фаолиятини ўрганишди.

Шу куни журналистлар ушбу насос станцияси ер майдонларига ишчи-ҳодимлар билан биргаликда дарахт кўчатларини ўтказишди. Пресс-тур сўнггида Куйи Зарафшон ИТХБ томонидан ўтган 9 ой мобайнида амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди. Анжумани Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Навоий вилояти бўлими раиси О.Аслонов бошқариб борди. Куйи Зарафшон ИТХБ бошлигининг биринчи ўринбосари Д.Ражабов, Мелиоратив экспедиция бошқармаси бошлиги Ш.Сафаров жорий йилнинг ўтган даври мобайнида соҳада амалга оширилган юзасидан маълумот берди. Махсус хизмат бўлими фаолияти, қишлоқ ҳўжалигида суви тежайдиган технологияларни жорий этиш ишлари, экин майдонларига сув тежовчи технологиялар асосида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизими кенг жорий этилаётгани ҳамда соҳада юзага келаётган муаммолар бўйича келиб тушаётган муносабатларни ўрганиш жараёни бўйича ҳам журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ушбу соҳага рақамли ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиб, суви рақамли технологиялар ёрдамида назорат қилиш тизими тобора такомиллаштирилмоқда. Шу мақсадда ҳудудларда "Ақли сув қурилмалари"ни ва "Дайвэр" қурилмаларини ўрнатиш ишлари ҳам босқичма-босқич олиб борилаётди. Жорий йилда 26 та насос станцияларига сув миқдорини "онлайн" назорат қилиш қурилмаларини ўрнатиш режалаштирилган. Бу чора-тадбирлар вилоятда сув ҳўжалиги ишларини янада такомиллаштиришга ва минглаб гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Раъно РАБИМОВА,
Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси
Навоий вилояти бўлими мутахассиси.

ПАХТАЧИЛИКДАН

ҚАРИЙБ 445 МИЛЛИАРД СЎМ СОФ ДАРОМАД ОЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Таъкидлаш кераки, улкан маррани забот этиш осон кечмади. Кузги сифатли шудгорлаш, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, ерни сифатли экишга тайёрлаш, уруғ сифати, ернинг таркибига қараб нав танлаш, сувдан тежаб фойдаланиш, ҳашаротларга қарши курашиш ва бошқа зарур агро-техник тадбирларнинг белгиланган муддатда амалга оширилиши ўз самарасини берди. 63 минг 406 гектар майдондан жами 222 минг 203 тонна ҳосил йиғштириб олинди. Улкан хирмонга Мингбулоқ, Поп, Чортқоқ, Наманган, Тўрақўрғон, Чуст, Норин

туманлари фермерлари белгиланган режадан ташқари салкам 9 минг 600 тонна пахта топишиб, ўзларининг катта ҳиссасини кўшди. Ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан ҳосил этиштирилди. Кўплаб фермерларда бу кўрсаткич 50-55 центнерга етказилди. Юртимизда фермерларга яратиб берилган шароитлар, имтиёзлар, кластер тизимининг ижобий самараси боис, ўтган 5 йил давомида вилоятда пахта ҳосилдорлиги 10,4 центнерга ошди. Ўтган йили терим машиналарида 20,2 минг тонна пахта териб олинган бўлса, бу йил яна 25 та янги терим машинаси харид қилинди. Мавсумда

74 та агрегат тўлиқ ишлатилиши таъминланди. Ўтган йилга нисбатан 25 минг тоннадан ортиқ пахта "пўлат этаклар"дан тўкилди. Ҳисоб-китобларга кўра биргина пахтачиликдан бу йил вилоятимизда қарийб 445 миллиард сўм соф даромад олинishi кутилмоқда.

1360 нафардан ортиқ фермерлар пахта сотиш режасини ортиги билан удаллади. Жумладан, "Турсунбой Комилов", "Аҳмаджон Абдуллажа-нович", "Тошпўлот ҳожи" Бахтиёр Абдусаломович, "Расулжон Мир-зажон Бахтигўл", "Қамбарали ота набираси Бахтиёр", "Ғофуржон ота – ОЭФ", "Сайдали ҳожи", "Навахор намунаси" каби юзлаб фермер ҳўжаликлари барча кўрсаткичлар бўйича бошқаларга намуна бўлди.

Айни кунларда вилотимизда машаққатли меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосилининг сўнгги мисолигача териб олиш билан бир қаторда, келгуси мавсумга пухта ҳозирлик қуриллаётди. Бўшаган майдонларни шудгорлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит жамғариш, техникаларни таъмирлаш борасида тизимли ишлар ташкил қилинмоқда.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ
суҳбатлашди.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ҲОКИМ СУВЧИЛАР БИЛАН КУЗГИ-ҚИШКИ ЮМУШЛАР ХУСУСИДА СУҲБАТЛАШДИ

Данғара тумани сувчилари кузги-қишқи ишларни жадаллик билан олиб бораётган бир пайтда туман ҳоқими улар билан ўзаро фикрлашиб олиш учун кўргазмали тадбир ташкил қилди. Унга туман ирригация бўлими, мелиорация бўлими жамоаси, махсус хизмат ходимлари, фермерлар, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари таклиф қилинди.

Тадбирда асосан кузги-қишқи ишларни сифатли олиб боришнинг ҳосилдорлигини оширишга таъсири, ерларни шўр ювишга, чилла суви беришга тайёрлаш, каналларни таъмирлаш, тиклаш, сув очиш ва беркитиш дарвозаларини созлаш, эски, чириганлари ўрнига янгиларини ўрнатиш, ҳўжаликлараро ариқ ва зовурларни тозалаш, ашил ҳудуд лойиҳаси доирасида ҳар хил мевали ва манзарали кўчатларни экишни кўпайтириш каби масалалар юзасидан атрофлича кенгашиб олинди.

Туман ҳоқими Шухратжон Тожиқимов ҳар йили туманда қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришда сувчиларнинг ҳиссаси катта бўлаётганига уруғ берар экан, ҳалол меҳнат қилиб обрў-эътиборга сазо-

вор бўлганлар номини алоҳида тилга олди. Мана ҳозир ҳам кузги-қишқи ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаришда сув тизими ходимлари фидойилик билан ишляпти. Баъзи техника киролмайдиган, тор жойдан ўтган ариқ ва зовурларнинг мураккаб жойларини улар қўлда бўлса ҳам созлашга эришаётганлари таҳсинга лойиқ. Бугунгача 10 та каналнинг режага киритилган қисмида таъмирлаш-тиклаш ишларини бажарилди, 35 та гидротоп дарвозасининг аксарияти алмаштирилди. Туман сувчилари "Инобатхон зиёси" фермер ҳўжлигида 6,5 гектар шўри ювилиши қарак бўлган экан ерида шўр ювиш учун тракторда пол олиб, бурчакларини ямаб, фермерларга намуна учун кўрсатдилар. Шу куни тадбирда иштирок этиш

учун келган меҳнат аҳлининг барчаси яшил ҳудуд лойиҳаси доирасида йўл қирғоқлари, сув бўйларини, уватлар, бўш ерларга дарахт кўчатлари экидилар. Сирдарё-Сух ИТХБ бошлигининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Комилов, ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиорация экспедицияси бошлиги Зухриддин Исмоилов, насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиги Фарҳод Исомиддинов ва бошқалар ўз соҳалари бўйича туманда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, келгусидаги юмушларга атрофлича тўхталдилар.

Туманда фаолият кўрсатаётган "Мусаввир текстил кластер" масъулияти чекланган жамияти раҳбари шу куни 120 нафар сув тизими ходимига қишлоқ пахтали пиджак, сув этик, бош кийими олиб берди ҳамда шўр ювиш бошланиши олдидан уларга икки миллион сўмдан пул, ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари беришга қарор қилганини маълум қилди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.



МАҲСУЛОТНИНГ 90 ФОИЗИ ЭКСПОРТГА

(Боши 1-саҳифада)

Қисқа муддатда бу ерда жинси матодан эркалар, аёллар ва болалар учун 250 турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарувчи замонавий тикув фабрикаси пайдо бўлди. Корхонага банк томонидан жалб қилинган ҳорийкредит линияси ҳисобига Япония ва Туркия давлатидан технологик ускуналар келтириб ўрнатилди. 850 та иш ўрни яратилди. Йилига 1,5 миллион дондан зиёд тайёр трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Туркия жаҳон тўқимачилик саноатининг энг йирик иштирокчиси, дунёда кийим экспорт қилувчи давлатлар орасида етакчи ўринда эканлиги барчага маълум, – дейди "Bobur ХВК" МЧЖ раҳбари Хайрулло Исмоилов. – Шунинг учун замонавий бизнес талабларидан келиб чиқиб, Туркия тажрибасини орттиришга киришдик. Ишлаб чиқаришга муҳандис, технолог, бичувчи, тикувчи ва дизайнердан иборат туркиялик мутахассисларни жалб қилдик. Ўзаро келишувга кўра улар ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўмаклашиб келмоқда.

Бугунги кунда фабрика маҳсулотларининг 90 фоизи "Ditomm" бренди асосида Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинади. 2021 йилдан жорий йилнинг октябрга ойига қадар ушбу давлатларга 2,8 млн. долларлик маҳсулот етказиб берилди.

Журналистлар корхонадаги иш жараёни, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Мутахассислар билан суҳбатда бўлиб, режалари ҳақида билиб олишди.

– Шу йилнинг охиригача ишчилар сонини 1000 нафарга, ишлаб чиқаришни ойига 260 минг донга ҳамда экспорт борасида Европа бозорларига чиқиб, унинг ҳажмининг 31,2 млн. долларга етказиш ниятидамиз, – дейди Хайрулло Исмоилов. – Ҳозирги кунда биз Россиянинг йирик "JSC Melon Fashion Group" компанияси таркибидеги "SELA MOMS", "SELA KIDS", "ZARINA", "BIFIRI", "SMENA" каби машҳур брендга эга корхоналар билан ишляпмиз. Шунингдек, Германияда савдо уйини очиш ҳаракатидамиз.

Анъанага кўра, пресс-тур давомида банкнинг Андижон минтақавий банк хизматлари офисига ҳам таширф буюрилди. У ерда ОАВ вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда таъкидланганидек, банк чанак хизматлари борасида аҳолининг автокредит ва ипотека кредитларга қизиқиши ортган. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида БХО томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 15 фоизга ошган. Тадбиркорларга хизмат кўрсатишда экспортдоли молиялаштириш мақсадида ажратилаётган кредитлар улуши ҳам ўсган. Ҳисобот даврида ушбу кўрсаткич 1,8 млн. долларни ташкил этган. БХО кредит қўйилмалари таркибиде саноат соҳаси 60,5 фоизни, қишлоқ ҳўжалиги 13,1 фоизни ҳамда чакана бизнес 11,4 фоизни ташкил қилган. Жумладан, 2022-2023 йилларда қурилиш материаллари саноатида ишга туширилиши мўлжалланган 28 та лойиҳадан 19 таси татбиқ этилиб, 650 га яқин иш ўрни яратилган.

Банк ахборот хизмати

ШОЛИЧИЛИК СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

(Боши 1-саҳифада)

Унда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги КОPIA маркази директори Ох Сунг-Жон, марказнинг тегишли мутахассислари ва нститут ходимлари иштирок этди. Совға қилинган дон уруғликларини экувчи сеялка келгусида ушбу қурилма орқали дон экинлари экилганда уруғлик, вақт ва иш кучи тежайди, бундан ташқари, қурилма бир вақтинч ўзида уруғларни экиди, туپроқни юмшатади, экилган уруғлар устига плёнка тўшайди ва уруғларни дориллаш ишларини амалга оширади. Марказ директори Ох Сунг-Жон шулар тўғрисида ва ундан фойдаланишдаги бир қатор афзалликлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Шолчилик илмий-тадқиқот

институт директори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Масъуджон Саттаров институтта совға қилинган дон уруғликларини экувчи сеялка келгусида шолчи, соя ва мош уруғларини ҳамда бугдойдан сўнг такоррий экин сифатида экилади-ган дуққакли, полиз экинлари уруғларини экишда жуда катта ёрдам беришини эътироф этиб, КОPIA марказига жамоа номидан миннатдорчилик билдирди. Шу билан бирга, семинар иштирокчилари ушбу қурилмани ишлатиш бўйича КОPIA маркази мутахассислари билан амалий синовлар ўтказишди.

Муҳаммадҷон ЭРҒАШЕВ,
Шолчилик илмий-тадқиқот
институтини илмий котиби,
қишлоқ ҳўжалиги
фанлари номзоди.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР

(Боши 1-саҳифада)

Агар вояга етмаган шахс ўқишдан бўш вақти ишлаётган бўлса, ўқув йили давомидаги иш вақтининг муддати 16 ёшдан 18 ёшдагилар учун 18 соат ҳамда 15 ёшдан 16 ёшдагилар учун 12 соатдан ортиб кетиши мумкин эмас. Бунда вояга етмаган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб белгиланади. Таъкидлаш лозимки, 15 ва 16 ёшга тўлган умумий ўрта ва ўрта-маҳсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларини тамомлаган вояга етмаган шахсларни бўш иш жойларига ишга олишдан бош тортиш ноқонуний ҳатти-ҳаракатдир.

Меҳнат қонунчилиги, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги қарорига асосан, улар ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмай-диган шахслар сирасига киради. Шу боис улар учун корхонада минимал иш жойлари белгиланиши шарт. Вояга етмаган шахслар етарли билим, тажриба ва малакага эга эмаслиги боис уларни

КУТИЛАЯПТИ?

барча турдаги ишларга жалб этиб бўлмайди. Меҳнат кодексининг 241-моддасига мувофиқ, 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиги ва ҳавфсизлиги, ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шароитларида фойдаланиш тақиқланади. Соғлиқ ва ҳавфсизликка зиён етказувчи меҳнат шароитларида бажариладиган, ҳавфли механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган, ҳавфли буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовқин ёки тўлқинланиш даражасининг юқори таъсиридаги зарарли шароитлар, оғир меҳнат шароитларида бажариладиган ишлар киради. Ахлоқ-одобига зиён етказувчи меҳнат шароитларидаги ишлар рўйхатида тунги клублар, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари сотадиган



дўконлар ва бошқа жойлар мавжуд.

Ишга қабул қилишда вояга етмаган шахс албатта, иш берувчи томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади ҳамда доимий равишда вояга етганига қадар мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб борилади. У ишга қабул қилингандан сўнг катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади. Фақатгина меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари борасида уларга кўшимча имтиёзлар берилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларни соат 22:00 дан 06:00 га қадар тунги ишларга, меҳнат шартномасида белгиланган вақтдан ва иш

вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Муҳим жиҳати, 18 ёшга тўлмаган ходимларга катта ёшдаги ходимлардан фарқли ўларок, қамидан 30 календарь кундан иборат йиллик таътил берилади. Улар таътилдан иш бошланганига 6 ой бўлмасидан аввал ўзлари учун қулай муддатда фойдаланишлари мумкин. Ишлаб-ўқийётган вояга етмаганларга эса йиллик таътиллар уларнинг хоҳишига кўра, иш берувчи томонидан имтихонлар ва лаборатория-имтихон сессиялари вақтига тўғрилаб берилиши шарт.

Яқинда Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Рес-

публикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Келгуси йилнинг 30 апрелидан қонуний кучга кирадиган мажбурий ҳуқуқий ҳужжатда вояга етмаган шахслар учун алоҳида имтиёз ва енгилликлар берилган. Хусусан, янги "Меҳнат кодекси"нинг 118-моддасига кўра, маданий-томоша ташкилотлари, телевидения, радиоэшиттириш ташкилотлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, профессионал спортчилар билан ота-онанинг ҳар иккисининг (ота-она ўрнини босувчи шахсине) розилиги ҳамда васийлик ва ҳомилий органининг руҳсати билан, уларнинг соғлиги ва маънавий камол топишига зиён етказмасдан асарларини яратиш ва ижро этишдаги иштироки учун 15 ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномаси тузишга йўл қўйилиши белгиланди. Албатта, вояга етмаган шахсларни ишга қабул қилишда ўзига хос ҳуқуқий механизм яратилгани корхона-ташкilotлар олдига катта масъулият ва жавобгарлик юклайди. Иш берувчилар эса ўз вақтида бунга амал қилса, ҳеч ким зарар қурмайди.

Қамола ШОДИЕВА,
Тошкент шаҳар юридик
техникуми ўқитувчиси.

Ажримдаги чигал вазият қандай вужудга келди?

Ботулизм – овқатдан заҳарланишдаги оғир касаллик

Оила жамиятнинг бирламчи бўғини. Унинг муштаҳамлиги жамиятда маънавий муҳит ва ижтимоий барқарорликнинг гарови ҳисобланиб, аҳил, ўзаро ҳурмат асосида қурилган оиладагина соғлом фикрли фарзандлар вояга етади.



МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР

Афсуски, сўнгги йилларда оилавий низолар, ажримлар сони ошиб бораётганлигини рад этиб бўлмайди. Тўғри, бундай нохуш ҳолат барча жамият ва ҳамма замоналарда ҳам учраб туради. Масаланинг ташвишли томони шундаки, узоқ йиллар бирга яшаган эр-хотинлар ажралишдан ўзга чора йўқ, дея судга мурожаат этишаркан, мулкий муносабатларда бир қатор амаллар юзга келмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро суди Л. Шокированинг қайнотаси номидаги уйга мажбурий тартибда киритиб қўйиш тўғрисидаги даъво аризасини қўриб чиқди.

Юқоридагиларга кўра, суд Л. Шокированинг даъво аризасини қаноатлантириш, яъни уни икки фарзанд билан Кармана тумани “Боғишамол” МФЙ Пойтахт кўчасидаги ҳовлига мажбурий тартибда киритиб қўйиш тўғрисида қарор чиқарди.

Мисол учун Кармана тумани “Боғишамол” МФЙда истикомат қилувчи Саидмурод Сайфиев ва Латофат Шокирова 2006 йилда турмуш қуришиб, ўзаро никоҳларидан 2009 ва 2015 йилларда икки нафар фарзанд туғилди. 2021 йилда ўзаро низолар туфайли оила кўрғонида дарз кетиб, эр ўз турмуш ўртоғини икки ўғли билан уйдан чиқариб юборди. Ваҳоланки, мазкур ҳовли улар томонидан 2014 йилда қурилган бўлиб, эгаллик ва қадастр ҳужжатлари С. Сайфиевнинг отаси номига расмийлаштирилган.

Маъзур тоифадаги ишларни кўришнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, низоли уйда яшовчи вояга етган барча шахслар тегишлилигига ишга жалб қилинади. Яъни, судлар мулкдорнинг оила аъзоларига кимлар киришини аниқлаши муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мисолни бежиз келтирганимиз йўқ. Гап шундаки, никоҳ ва никоҳдан сўнг биз ўзбекда оиланинг мулк муносабатларини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтиш масалаларига бефарқ қаралади. (Л. Шокирова ҳам рўйхатдан ўтмаган).

Латофат Шокирова қарийб бир йил икки ўғли билан ижарада яшашга мажбур бўлади. Бу орада маҳалла ва бошқа яраштирув идораларининг барча сайъи ҳаракатлари наф бермайди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори 5-бандига кўра, мулкдорнинг оила аъзолари деб, у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандлари тан олинади.

Албатта, оила қураётган ҳеч бир келин-куёв никоҳи бузилишини истамайди. Биргаликдаги ҳаётининг остонасида мулкий муносабатларни расмийлаштиришга андиша қилиши ҳам бор гап. Модомики, ҳаётда ажрим масаласи бор экан, эр-хотин ўз мулкий муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб қўйишса, мулкдор билан доимий бирга яшаётган фуқаролар, агар улар мулкдор билан умумий ҳўжалик юритаётган ва унинг турар-жойига рўйхатдан ўтган бўлса, мулкдорнинг оила аъзоси деб топилиши мумкин.

Эр-хотиннинг ота-онаси, мулкдор билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, меҳнатга қобилиятсиз боқимандалар, шунингдек, расмийлаштирилган.

Эълонлар

Table with 2 columns: Description and Reference/ID. Includes information about 'Ўзгросуғурта' AJZ and 'Agros Hayot sug'urta kompaniyasi' AJZ.

Эълон

“RESPUBLIKA MULK MARKAZI” МЧЖ “POYTAHT FILIALI”

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога “Lombard Svetlana-Kredit” МЧЖ нинг 2022 йил 17 ноябрдаги 53-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Миробод тумани, хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 8 сентябрь, 10 октябрдаги ижро хатларига асосан ундурвга қаратилган, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Ависозлар-2, 41-уй манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари аукцион савдосига қўйилмоқда:

Table with 4 columns: №, Гаров патта рақами, Заргарлик буюмлар номи, Бошланғич баҳоси сўмда. Lists various jewelry items for auction.

Table with 4 columns: №, Гаров патта рақами, Заргарлик буюмлар номи, Бошланғич баҳоси сўмда. Lists various jewelry items for auction.

Table with 4 columns: №, Гаров патта рақами, Заргарлик буюмлар номи, Бошланғич баҳоси сўмда. Lists various jewelry items for auction.

Аукцион савдолари 2022 йил 27 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2022 йил 23 декабрь куни соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

лар 2023 йил 10, 24 январь куни соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири муддатлари: савдо кунидан бир иш кун олдин соат 16:00да тўхташилади.

“Давр Банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2008. МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А -уй. Телефон: (71) 237-23-96.

15 ноябрдан 15 декабргача “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

Маълумки, қиш фаслида инсонларнинг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжи ортиб, табиий газ ҳамда электр энергиясидан ҳар дамдан ҳам кўпроқ фойдаланилади.

Мазкур қувват манбааларидан фойдаланишда белгиланган қоидаларга риоя этилмаса, ёнғин ёки бошқа кўнгилсиз ҳодисалар юзага келиши мумкин. Шу боис, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин билан боғлиқ фавуқлодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида, республикамиз ҳудудида 15 ноябрдан 15 декабргача “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

Шу ўринда фуқароларимиздан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мунтазам риоя қилиб, мазкур ойликда фаол иштирок этишларини сўраб қоламиз.

Ф.СОАТОВ, Тошкент тумани Фавуқлодда вазиятлар бўлими бошлиғи, подполковник.

Ботулизм овқатдан заҳарланишлар ичида оғир кечадиган касаллик бўлиб, у ботулизм таёқчалари билан зарарланган овқат истеъмол қилинганда вужудга келади ва марказий асаб тизимининг шикастланиши билан кечади. Ботулизм таёқчалари табиатда кенг тарқалган бўлиб, тупроқ, сув, ҳайвон, балиқлар ичагида учрайди ва қобилиятсиз ичидан йиллар давомида сақланади.

Ботулизм касаллиги оdatда уй шароитида термик ишлов бериш қоидаларига амал қилинмай тайёрланган консерва (сабзавот, мева, қўзиқорин, гўшт, балиқ), дудланган товуқ гўшти, колбаса маҳсулотлари истеъмол қилинганда тез сўрилиб, қонга ўтади ва бутун организмга тарқалиб, асаб тизимини, шу билан бирга мушакларни шикастлайди.

Касалликнинг олдини олиш учун уй шароитида консерва тайёрлаш жараёнида санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш, консерва маҳсулотларини тайёрлашда сабзавот, мева, қўзиқорин ва кўжатлар сифатига аҳамият бериш, уларни оқар сувда, сўнгра қайнатилган сувда яхшилаб ювиш, маҳсулотларни юқори ҳарорат остида 20 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида қайнатилган керак. Яхшиши, уй шароитида консерва тайёрламаган маъқул.

БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИШ!

Ҳозирги кунда хавфли мавсумий касалликлардан бири бўлган ботулизм касаллигига чалиниш ҳолатлари кундан-кунга ортиб бормоқда.

ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ ҚАНДАЙ ТАЪМИНЛАНАДИ?

Янги қуриладиган бино ва иншоотлардаги қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари тегишли меъёрий ҳужжат талабларига мувофиқ ташкиллаштирилиши талаб қилинади.

Хусусан, қурилишдаги электр билан боғлиқ ишларда эҳтиёткорликни ошириш зарур. Бунда қурилишга вақтинчалик электр симларини тортиш учун изоляция қилинмаган симлар муштаҳам тирговч ёки тролларга илинади. Электр сими иш жойидан 2,5 ўтиш жойларидан 3, ўтиш йўлларида 6 метр баландликда бўлиши керак. Ер, пол ёки қопламадан 2,5 метрдан баландликда бўлган электр кабелъ ва симлар шикастланишдан ҳимояланган бўлиши лозим.

тармоқлари, электр асбоб-ускуна ва қурилишдаги бошқа электр истеъмолчилар, шу жумладан, маиший хоналар тоқдан узиб қўйилиши керак, электр энергиясини ўчириш марказлашган бўлиши лозим. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беиннат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш ишчи-хизматчилари иш жараёнида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизлигини, оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

ДИҚҚАТ ИС ГАЗИ!

ундан қандай сақланиш мумкин?

Ис газидан сақланиш учун биринчи навбатда иситиш печи ва дудбўрон соз бўлмоғи керак.

Ҳаво ҳарорати пасайиши билан аҳолининг иситишга бўлган эҳтиёжи ошиши табиий. Ана шундай вақтда айрим фуқаролар билиб ёки билмаган ҳолда турли ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланади. Шуни унутмаслик керакки, ҳар қандай ёқилғи ёнган вақтда ўзидан заҳарли газларни ҳосил қилади. Шу сабабли бевосита хона ичида жойлашган истиш мосламалари ҳамда дудбўронлар соз ҳолатда бўлиши

керак. Дудбўрон соз бўлсаю печ носоз бўлса, у печ ичидаги ҳамма газларни тортиб кетади ва печнинг озгина носозлиги сезилмайди. Лекин печ соз бўлсаю дудбўрон носоз бўлса, бу бахтсиз ва кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли дудбўрон созлагининг асосий қоидаларини ана бир бор эслаб ўтмиз. Энг аввало дудбўрон вертикал шаклда томга чиқиши, дудбўрон учи чордоқнинг устидан ҳам

50-60 см. кўтарилган бўлиши керак. Ушандагина ёниш жараёнида ҳосил бўлган заҳарли газлар атмосферага чиқиб кетади. Дудбўронни бирдан 90 градустга букадиган бўлсак, унинг тортиш кучи бир неча баробар камайиб кетади.

Маълумки, ис газини жуда хавфли бўлиб, нафас олганда сезилмайди. Чунки унинг ҳиди, ранги ва таъми йўқ. Ис газини инсон организмига кирганидан сўнг у қон таркибидаги

кислород ташийдиган гемоглобинга бириқади ва қоннинг мияни кислород билан таъминлаш функциясини издан чиқаради. Қадрли ҳамюртлар! Унутманг, юртимизда ҳар йили иситиш мавсуми бошланиш вақтида бир неча киши ис газини қурбонига айланмоқда. Бундан барчамиз тегишли хулоса чиқарайлик!

Жавлон АХМАТОВ, Тошкент тумани Фавуқлодда вазиятлар бўлими бошлиғи Уринбосари, подполковник, Шокирбой СУЛТОНОВ, Ёнғинга қарши кураш жамияти Келес хубудий бўлими мутахассиси.

Тўққиз ёшида Хива хони Феруз назарига тушди

"Хивада бир ёш бахши чиқибмиш, кўрсангиз хайрон қоласиз, ўзинан дудори улмиши. Шундин зўр овози бормишки, эшитганлар "тасдиқ" айтмишлар."

БОЛА БАХШИНING ТУФИЛИШИ



1908 йилнинг айна баҳорида Хива қалъасида шундай гап тарқалган эди. Қурбонназар бахшини эшитганлар уни зўр бериб мақташаси эшитмаган, кўрмаганлар бир кўришга иштиёқман эдилар. Қалъада тарқалган гап Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Соний – Феруз кулоғига етибди. Феруз хон ҳам адабиёт ва санъат шайдоси эмасми, бахшини устози билан бирга саройга чақиршга фармон берибди. Тўққиз-ўн ашар Қурбонназар устози Жуманазар бахши ҳамроҳлигида дуторни олиб, хон хузурига киради. Хон ундан бир нома эшитиб кўради ва туфалама, кўз деймасин, ино бола бахши. Устозинга, ота-онанга раҳмат ўғлим. Камол топ. Бундан кейин сенинг одинг Бола бахши бўлсин, деб Қурбонназарни алқаб қўяди. Шу-шу хивалик номдор бахши Қурбонназар Абдуллаев Бола бахши бўлиб эл ичиде танилди. 1899 йилда таваллуд топган Бола бахши ўн ёшидан қўлида сози билан элга хизмат қилди. Айтишларига қараганда, Бола бахшининг ажодлари ўз даврининг кўзга кўринган атоқли бахши ва гўяндалари бўлишган экан. Сандиқда бобосининг дутори кўз қорачиғиде сақланаркан. Қурбонназарнинг отаси уни ҳеч кимга бермай, авайлаб сақларкан. Қурбонназар 3-4 ёшларида касал бўлади. Иситмаси сира тушмайди. Уни табибга кўрсатишади. Табиб унга дамлама беради. Кунларнинг бирида онаси дамламани сандиқдан олмоқчи бўлиб турганида Қурбонназарнинг кўзи сандиқдаги дуторга тушади. Бу дутор унинг бобосидан ёдгор бўлиб ҳеч кимга кўрсатилмас ва берилмасди. Бобоси буни қачони менинг қориним тутган болаларингга берасан, деб васият қилган экан. Қурбонназар онасига дуторни олиб беринг, дея хархаша қилади. Дуторни олиб беришга эса отаси рухсат бермайди. Қурбонназар шу пайт ҳўшидан кетиб йиқи-

лади. Юзига сув сепиб, ўзига келтиришади. Энди у йиғлашга тушади. Онаси боласидан айрилиб қолишдан кўрқиб, дуторни сандиқдан олиб беради. Бола йиғидан тўхтаб ўзига келади. Кун-кундан соғая бошлайди. Бу воқеани табибга айтишади. Табиб боладаги ғайритабиий ҳолни сезади. Унда Аллоҳ томонидан берилган илоҳий бир куч бор эди. Унинг боболаридан қолган эски лисонда ёзилган дoston китоблари бўлиб, хат-саводи чиққан, Қурбонназар ота-онаси ёрдамида уларни ўқиб, ўргана бошлайди. Ҳама йиллари Хивада Ёдгор бўломончи ва Жуманазар бахшилар ном қозонган машҳур бахшилардан эди. Отаси Қурбонназардаги иқтидорни пайқаб, уларга шоғирдикка беради. Ёш Қурбонназар бу икки бахшидан дутор чалишни, бахши термаларини ўрганади.

– Ёдгор бўломончи илми дарё санъаткор эди, – дея эслаган эди Бола бахши шоғирдлари билан бир ўтиришда. – У кишидан жуда кўп нарса ўргандим. Бола бахши бўлиб танилишимда шу устозларимнинг хиссалари кўп.

Бола бахши репертуарида "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", "Ошиқ Маҳмуд", "Бозиргон", "Хирмондали", "Авазхон", "Кампир", "Қирқон", "Сафар кўса" каби 20 га яқин дoston бўлиб, улардан "Бозиргон" 1965, "Авазхон" 1967 йили ёзиб олинди, нашр этилган. Ҳаёти давомида кўплаб анжуманларда иштирок этган. 1937 йилда Москвада ўтказилган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасида, 1938 йили Ўзбекистон халқ ижодчилари олимпиадаси, Халқаро Олтойшунослар фольклор анжуманида қатнашган, 1938 йили Ўзбекистон халқ дostonчиси унвонини олган. Бола бахши ҳаёти давомида юздан зиёд шоғирдлар етиштирган. Уч Республика халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ивот бола, Отахон бахши, Қаландар Норматов, Карим бахши Отамуродов, фарзандлари Матёқуб, Матназар, Давлатназар, Ўзбекстон халқ бахшилари Норбек ва Етмишбой Абдуллаевлар ана шулар жумласидандир.

ЕТМИШБОЙНИНГ ПАРВОЗИ

1970 йили янги йил кириб келишига 17 кун қолганда Бола бахши ўғил фарзандли бўлди. Етмиш ёшида кўрган фарзандига Етмишбой деб исм қўйди. Бахши бува Аллоҳнинг қариганда берган бу улугъ неъматига шукрона келтириб, элга уч кеча-уч кундуз тўй берди. Етти қилмдан бахши шоирлар, гўяндалар таширф бунориб, соз-сухбат қилдилар. Етмишбой бахшилар оиласи муҳитида ўсгани учун ҳам дос-

тон кўшиқларга ошuftа бўлиб ўсди. Бола бахши қаерга борса Етмишбойни отининг орқасига мингаштириб олиб борарди. Дoston кечаларида унга ҳам бир-икки нома айттириб кўрарди. Танимаганлар Бахши бува бу йигитча неварангизми, деб сўрашарди. Исмини эшитгач, йигитчанинг созу овозига қойил қолишарди. Хуллас Етмишбойни отасининг Бола бахши бўлиб элга танилган ёшида халқ таниди. Етмишбой мактабни тамомлаб ўз иш фаолиятини Огаҳий қишлоғида ташкил қилинган "Дoston" фольклор-этнографик ансамблида бахши доирачи бўлиб иш бошлайди. 1990 йилда Ташкент давлат маданият институтининг кундузги бўлимига ўқишга киради.



Ўқишни 3-курсдан сиртқиға ўзгартириб, тумандаги Саёт кишлоқ маданият уйи бадий раҳбари, 1999-2009 йилларда Янгиарик туманидаги 40-сонли Нафис санъат гимназия мактабиде мусиқа фани ўқитувчиси ҳамда Остона маданият маркази бадий раҳбари вазифаларида фаолият олиб боради. 2008-2011 йиллар Хива шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабиде "Бахшичилик" йўналиши бўйича ўқитувчи, 2009 йилдан бошлаб ҳозирги вақтгача Хива педагогика коллежиде мусиқа йўналиши бўйича катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда. Етмишбой Абдуллаевнинг эл-юрт олдиде қилган хизматлари ва бахшичилик йўналишидаги қилган самарали меҳнатлари инobatта олинди, унга 2011 йилда Ўзбекистон халқ бахшиси унвони берилди. У 1989 йилдан Бутуниттифок бахшилар уюшмаси аъзоси. У шу пайтгача Республикамиз ҳамда жаҳон миқёсиде бўлиб ўтган турли кўрик-танловлар

ва халқ ижодиёти анжуманларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишга эришди. Жумладан, 1982-1983 йилларда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Санъат байрами" фестивалида Республика босқичи ғолиби, 1985 йилда Хоразм вилояти Шовот туманида бўлиб ўтган "Бахши шоирлар" кўрик-танловида қатнашиб, "Кичик бахши" номинациясига сазовар бўлди. 1989 йилда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Доғистон, Кавказ орти давлатларининг Озарбайжонда бўлиб ўтган бутуниттифок "Бахши ўзлар" халқ ижодкорлари фестивалида Гран при совринига, 2003-2005 йиллар Алпомшик дostonининг 1000 йиллиги муносабати билан Сурхондарёда бўлиб ўтган "Бахши шоирлар" кўрик-танловида 2-ўрин, 2007 йилда Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида бўлиб ўтган "Бахши шоирлар" кўрик-танловида 2-ўрин соҳиби бўлди. 2006 йилда "Бахши, реп мусиқа, брек ва миллий рақслар" концерт фестивали учун Швецария давлатининг ривожланиш агентлиги сертификатини қўлга киритди. 2018 йилда эса ЮНЕСКО томонидан номоддий маданый мерос бўйича сертификатга эга бўлди. Унинг репертуарида қадимий дostonлардан "Авазхон", "Бозиргон", "Хирмондали", "Ошиқ Маҳмуд", "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам", Гўрўғли туркумига кирувчи дostonлар ўрин олган. Бир қанча хорижий давлатларида бўлиб, бахшичилик санъатини намойиш қилган. Жумладан Украина, Озарбайжон, Туркменистон ва 2006 йилда Европанинг Швеция, Германия, Белгия давлатларига бориб концерт дастурлари намойиш қилиб томошабинлар олқишига сазовар бўлди.

– Аллоҳ бермасе натали, бош олиб қайга кетали, – дейилади дostonлардаги бир но-марда, – дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Етмишбой Абдуллаев. – Отам тақдир бахшилик илоҳий эканининг ёрқин мисолидир. Аллоҳ берган иқтидор, истеъдод бўлмасе, қўлга тор олиб эл олдига чиқиш қийин. Бахшичилик бу бир театр. Бахши образга кириб, гоҳ Гўрўғли, гоҳ Бозиргон бўлиб гафдаланиб, тинловчига дostonнинг мазмун-моҳиятини етказе олиш керак.

Етмишбой ижоди давомида отаси берган ўғитларга амал қилиб келади. Дoston айтиш учун санъаткордан эҳлликлик, мустақкам хотира талаб этилади. Бола бахши ҳатто бир дostonни уч кечалаб айтганини одамлар ҳалигача эътироф этишади. Бунинг учун албатта иқтидор бўлиши керак. Етмишбой ҳам отаси бошлаб берган Бола бахши дostonчилиги мактабини давом эттириш йўлида янгидан янги дostonларни ўрганиш, шоғирдлар тарбиялаб, халқ хизматига йўллаш борасиде тиним билмай ижод қилмоқда. Бугунги кунда унинг қатор шоғирдлари ҳам эл хизматига камарбаста бўлмоқда. Уларнинг парвозидан эл ҳам, устози ҳам хурсанд.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИШ

НАЗОРАТГА ОЛИНГАН

Аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тизимли таъминлаш борасиде кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Бу борада истиқболдаги режалар ҳам ишлаб чиқи-либ, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Рақобатбардosh ва сифатли маҳсулот етиштириш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда замонавий техника воситалари ҳамда технологиялардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Самарқандда жорий йилнинг ўтган даври давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг моддий-техник базасини мустақкамлаш мақсадиде лизинг шартлари асосиде умумий қиймати қарийб 12 миллиард сўмлик 103 дона қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатлари харид қилинди.

– Бошқармамиз ва туманлар бўлимлари инспекторлари томонидан келтирилган қишлоқ хўжалиги техника ва агрегатларининг электрон базаси шакллантирилиб, техника воситаларига янги намунадаги давлат рақам



белгилари, пластик шаклдаги замонавий техник паспорт берилмоқда, – дейди "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори Шахриддин Бутунов. – Ушбу замонавий техникалардан самарали фойдаланиш инспекциянинг худудий бошқарма ва туманлар бўлимлари инспекторлари томонидан назоратга олинган.

"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси ахборот хизмати

Эълон

Қибрай тумани "Давлат хизматлари" маркази томонидан 2019 йил 05 август кунини №748733-реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MAGGOT" (СТИП: 306622867) масъулияти чекланган жамиятига Қибрай тумани "Давлат хизматлари" маркази томонидан №3575-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "GOLD FISH FLOUR" (СТИП: 302995249) масъулияти чекланган жамияти қўшилиши муносабати билан "MAGGOT" масъулияти чекланган жамияти "GOLD FISH FLOUR" масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мурожаат учун тел: +99897) 444-40-44.

Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти Самарқанд вилоят худудий бўлими тугатилганлиги сабабли думалоқ ва тўрт бурчакли муҳрларининг амал қилиши 2022 йил 16 августдан бекор қилинганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 265-сонли Давлат Мактабгача таълим ташкилотига тегишли бўлган гербли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ПРОКУРОРГА

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ – КОБАЛТ ТОПШИРИЛДИ

Бахтиёр Халиловнинг Норин туманига прокурор этиб тайинланганига уч йил бўлди. У илк кунидан асосий вазифасига тааллуқли ишларини бажариб бўлиб, ўзига бириктирилган 2-сектор билан танишиш учун йўл олди. Ахир, 14 та маҳаллада яшаб келаётган 41565 нафар аҳолининг ютуқлари билан бир қаторда, яшаш тарзи, шарт-шароити, тарбияси, ўқиши, иш жойи, тадбиркорлик каби масалаларида муаммолари ҳам бўлади-да. У кун бўйи маҳаллаларни яёв кезиб, бир олам таассуротга эга бўлди.

Кўпни кўрган отаси Собитхон ака (охиратлари обод бўлсин) таърифлаганидек, бу ернинг одамлари меҳнаткаш, бир сўзли, саромжом-саришталикни хуш кўрадиган, ишбилармон ва тадбиркор, ахлоқ-одоба намуна инсонлар экан. Агар уларга қонун устуворлигини таъминлаб, етарли шарт-шароитлар яратиб берилса, барча соҳаларда кўзланган мақсадларга эришиш, сектор худудиде янада ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин, деган яқуний хулосага келди. У ишни хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан бошлади. Энг аввало, "Аёллар дафтари"нинг 3-боқичи юзасидан хатлов ўтка-

зилди, аёллар орасиде сўровнома-лар тўлдирилди. Улар орасидан 892 нафар эҳтиёжманлар танлаб олинди, "Аёллар дафтари"га киритилди. Пухта ўрганишлардан маълум бўлдики, уларнинг 371 нафари ишсиз, 81 нафари тадбиркорлик қилиш истагида бўлса, 271 нафарининг боқувчиси йўқ, 104 нафари ижтимоий ёрдамга муҳтож 1 ва 2-гuruh ногиронлиги бор, 1 нафари уйсиз, 64 нафари қарамоғиде ногирон фарзанди бор аёллар экан. Туман ҳокимлиги, ҳамкор ташкилотлар, 2-сектор раҳбари, туман прокурори бошчилигида кўрилган чора-тадбирлар тезда ўзининг ижобий натижасини берди. Ишсиз 371 нафар аёлга деҳқончилик қилиш, даромади-

ни кўпайтириш учун уйига яқин даладан 0,20 га дан ер майдони ажратилган бўлса, 81 нафарига субсидия асосиде катак ва икки ойлик озуқа еми билан паррандалар тарқатилди, 5 нафарига субсидия асосиде иссиқхона қуриб берилди, 3 нафари тикув машинаси билан таъминланди, 6 нафари доимий ишга эга бўлди, 28 нафари жамоатчилик ишига жалб қилинди.

Сектор раҳбари томонидан аёлларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг қатор турлари бўйича мусобақалар, заковат, санъат, китобхонлик борасиде танловлар, концерт дастурлари ташкил этилиб, бу тадбирларга минг нафардан кўпроқ хотин-қиз-



лар жалб этилди. Совриндорларга қиймати 300 млн. сўм бўлган совғалар берилди.

Президентимиз кўп бор таъкидлаганларидек, ўз билими, иқтидори, тажрибаси, куч-ғайратини ватан равнақи, эл розилиги йўлида сарф этган раҳбар борки, асло камлик кўрмайди. Камол топади, меҳнати қадрланади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия

кўмитасининг "Энг яхши сектор раҳбари" Республика танлови якунига кўра Норин тумани прокурори Бахтиёржон Халиловнинг ўз секториде амалга ошираётган ишлари юқори баҳоланди. Низом шартларига кўра, у ғолиб деб топилди ва унга Президент совғаси – Кобалт автомобили топширилди. **Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ** "Qishloq hayoti" муҳбири.

QISHLOQ HAYOTI

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидеги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-1147. 1239 нусхада чоп этилди.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.30